МАСАЛ БИЛАН МУНОЗАРАНИНГ МУШТАРАК ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Д.АБДУЛЛАЕВА, С.ТИЛЛАБОЕВА

Статья посвящена сравнительному анализу литературных жанров: басни и муназара. Рассматривая особенности развития данных жанров в творчестве узбекских поэтов, авторы делают выводы о своеобразии каждого из жанров, их общих чертах и различиях.

The paper is devoted to comporative analizing of literature jenres: the fables and considerations. Observing peculiaritres of their development in the poets works. The author gives outcomes abont specific features of the genres, abont their similies and difference.

Адабий жанрлар таркибида мазмун мундарижаси, образлари ва шакл белгилари билан ўзаро муштараклик касб этувчи жанрлар талайгина. Бироқ бу бир асарни гоҳ у жанрга, гоҳ бу жанрга тааллуқли дейишга асос бермайди. Чунончи, бадиий асарнинг муайян адабий жанрга мансублигини белгиловчи омил унинг шакли ва мазмуни ҳисобланади. Шакл ва мазмунга оид айрим унсурлар асосида бадиий асарларни фарқлаш мумкин бўлади.

Мажозий образларнинг қўлланиши ва асарнинг моҳияти, руҳи жиҳатидан уйғунлик кузатиладиган масал ва мунозара қадимий жанрлардандир. Улар ўртасида ўзаро ўхшашлик бўлса-да, бу муштараклик мунозаранинг масалдан фарқланиши учун тўсиқ бўлолмайди. Бундай дейишимизнинг боиси адабиётшунослигимизда масални мунозара, мунозарани масал деб аташ ёки масал-мунозара каби атамани қўллаш амалиётининг борлигидир.

Т.Бобоевнинг олий ўқув юртлари учун мўлжалланган “Адабиётшунослик асослари” дарслигида “Масал” мавзуси ёритилган ўринларни ўқиймиз: “Ўзбек адабиёти тарихида Юсуф Амирий (“Банг ва Чоғир мунозараси”), Яқиний (“Ўқ ва Ёй мунозараси”), Аҳмадий (“Созлар мунозараси”), Пошшохўжа (“Мифтоҳул адл”, “Гулзор”даги масаллар), Сайидо Насафий (“Баҳориёт”), Гулханий (“Зарбулмасал”), Нишотий каби сўз санъаткорлари масал жанрида баракали ижод қилишган”[6;512]. Ҳолбуки, саналган шоирлардан Юсуф Амирий, Яқиний, Аҳмадийлар асарларини мунозара деб атайдилар ва ҳақиқатан ҳам улар масал эмас, балки жанр хусусиятларига кўра мунозарадир.

Масал – арабча сўз бўлиб, намуна, ўхшаш, мисол келтирмоқ маъноларини англатади[4;741]. Масал шеърий ёки насрий шаклда битилади, асар сўнгида одоб-ахлоққа оид насиҳатомуз фикрлар хотима сифатида берилади. Масалда одамларнинг ҳатти-ҳаракатлари, феъл-атворлари, қилиқлари, нуқсонлари, одат ва камчиликлари танқид қилиниб, кулги остига олинади. Масалда танқидий мазмун, киноя, ҳажв устувор бўлади. Бу ҳақда рус адабиётшуноси В.Г.Белинский “Ҳикоя қилиш ва мақсад – мана шулар масалнинг асоси; ҳажв ва киноя – мана унинг бош хусусиятлари”,- деган эди [5;576]. Масалдаги ҳажв, киноя, танқидий мазмунни юзага чиқарувчи омил аллегорик образлар ҳисобланади.

Мунозарада эса бундай танқидий руҳ, ҳажв мазмуни бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит-турк” асаридаги “Қиш ва Ёз мунозараси”да мажозий образлар йил фаслларидир. Масалда ҳам мунозарадаги каби ҳайвонлар, ҳашаротлар, паррандалар, қушлар, жониворлар, табиат ҳодисалари, ўсимликлар, нарса-буюмлар аллегорик образлар сифатида ҳаракатланади. Туркий халқларда масал жанрида ижод этиш қадимги даврларга бориб тақалади. Хусусан, “Зарбулмасал” номи билан тарқалган асарлар кўп яратилган. “Зарбул масал” – арабча сўз бўлиб, ай-

нан масал урмоқ, масал орттирмоқ, масал келтириб сўзлашмоқ маъноларини билдиради. “Зарбулмасал” деб аталган бадиий ҳамда илмий асарлар ҳам бўлган. “Зарбулмасал”ларнинг аксарияти муайян халқ мақоллари ва маталларидан иборат бўлган. Форс шоири Зоконий яратган “Зарбулмасал”да икки юзга яқин мақол ва маталлар жамланган. Мақол ва маталларнинг бир тилдан иккинчи тилга қилинган таржимасидан иборат бўлган луғат тури ҳам “Зарбулмасал” номи билан юритилган. Бундай луғатлар “Зуруби амсол” номи остида турк тили манбалари орасида ҳам учрайди [7;35]. Таказоданинг “Зуруби амсоли туркия”, Али Мажидийнинг “Зуруби амсол ва истилоҳот”, Иброҳим Шиносийнинг “Зуруби амсоли усмония”си луғат типидаги асарлар ҳисобланади.

Эзоп ёки рус адиби И.А.Крилов масалларида бир ёки ундан ортиқ аллегорик образлар иштирок этса, Гулханийнинг “Зарбулмасал”ида бундай образларнинг катта галереяси яратилган. Моҳир масалнавис “қолиплаш” усулидан фойдаланиб, бир неча масалларни “Зарбулмасал”га жойлаштирган. Шуни айтиш керакки, асосий сюжет қаҳрамонлари ҳам, асар таркибидаги масал қаҳрамонлари ҳам аллегорик образлардир. “Тошбақа ва Чаён”, “Маймун билан Нажжор”, “Туя ва Бўталоқ” каби масаллар асар композициясидан мустаҳкам ўрин олган ва уларнинг мазмуни асосий сюжет билан чамбарчас боғланади. Масал жанрига оид “Зарбулмасал”лар кейинги давр ижодкорларидан Сулаймонқули Рожий ва Нозим Хўжандийларнинг адабий мерослари учрайди.

Масал жанри мумтоз адабиётимиз вакилларининг асарлари таркибида ҳам учрайди. Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоийларнинг асарларидаги мажозий мазмунга эга кичик ҳикоялар масаллардир.

Туркий халқларда масал сўзи мақол, матал, ҳикматли сўз, доно фикр, панд-ўгит маъноларида ҳам қўлланилаверган. Адабий жанрлар тарихи ва ривожи ўрганилганда, дастлабки адабиёт намуналарида у ёки бу жанрларнинг синкретик ҳолатда бўлганлиги кузатилади.

Таъкидлаш жоизки, масал ва мақолларнинг тарихий илдизлари битта асосга бориб туташади. Бироқ, жанр сифатидаги масал сюжетга эгалиги ва аксарият ҳолларда аллегориянинг мавжуд бўлиши билан мақолдан фарқланади. Мумтоз шоирлардан Лутфийнинг қуйидаги:

Аёғингга тушар ҳар лаҳза гесу,
Масалдурким, чароғ туби қоронғу

байтида “масалдурким” сўзи “мақол борки” маъносида қўлланган. Ёр юзининг мунаввварлиги ва сочларининг қоралиги гўё мақолда ифодаланганидек, “чироқнинг юқори қисми ёруғ, туби эса қоронғи” бўлишига қиёсланган. Мазкур ғазал бошдан охиригача “ирсоли масал”, яъни мақол келтирмоқ санъати асосида ёзилган. “Ирсоли масал” санъатининг номидан ҳам кўринадики, масал сўзи аллегорик образлар иштирок этадиган жанрни эмас, мақолни англатмоқда.

Масал атамаси “матал” маъносида ҳам қўлланган. Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида Мирза Ҳожи Суғдийнинг қуйидаги байти келтирилган:

Ўхшотти қоматингга санубарни боғбон,
Бечора билмас эрмиш алифдин таёғни.

Буғина масални яхшиғина боғлоғон учун умид улким, тенгри таоло анга раҳмат қилмиш бўлғай” [3;135].

Боғбон нўноқлигидан ёрнинг қоматини санубарга ўхшатганлиги учун шоир уни алиф билан таёқнинг фарқига етмайдиган киши демоқда, бу ўринда “алифдан таёқни ажрата олмайди” матали қўлланган.

Бугунги адабиётшуносликда масал термини русча “басня” маъносида қўлланади. Масалнинг шаклий тузилиши ва мазмунига эътибор қилсак, унда халқ оғзаки ижодига хос хусусиятлар жуда кўплаб топилади. Демак, грек масалчиларидан илгари ҳам бу жанр илдизлари халқ ўртасида мавжуд бўлган, бироқ конкрет жанр шаклига келмаган. Чунончи, масалнинг келиб чиқиш илдизлари қадимий халқларнинг тотемизми, ҳайвонлар тўғрисида эртак ва афсоналари билан боғланади [9;147].

Халқ оғзаки ижодининг миф, асотир, афсона, эртак, достонларида аллегорик образларнинг иштироки аждодларимизнинг табиат ва инсон ҳақидаги эътиқодидан далолат берса, иккинчи томондан, бадиий тафаккур даражасидан ҳам далолат беради.

Таъкидлаш жоизки, масалда муайян бир кичик воқеа ҳикоя қилинади. Масалнинг жанр табиати, мундарижасига кўра унда гўё кичкина саҳна намоён бўлади, асардаги қаҳрамонларнинг диалоги орқали драматик вазият кескинлашади. “Зарбулмасал”даги “Туя ва Бўталоқ” масалида қаҳрамонларнинг суҳбати орқали уларнинг қандай қатламга мансублиги, хулқ-атвори, эрки, яшаш тарзи ва ҳок.ларни тушуниш мумкин.

Бўталоқ:

- Аста юрусанг на бўлур, ман етай,
Ташна бўлуб хордиму қолдим, эмай.

Туя:

- Кўрки бурундуқ кишини қўлида,
Бу кишини кўзлари ўз йўлида.

Бўталоқнинг мурожаатидан унда ожиз, меҳрга муҳтож, шафқатга зор кимса тимсолини кўрсак, туянинг жавобидан ихтиёри ўзида бўлмаган муте инсон қиёфаси намоён бўлади. Гулханий яратган аллегорик образлар асарда муҳим ўрин тутади, улар айрим характер қирраларинигина эмас, балки бутун бир характерни ҳам ўзида акс эттиради. Диалоглар орқали китобхон асар қаҳрамонлари табиатининг турли қирраларини, муайян вазият ва жамият қиёфасини англайди.

Бундан анча йиллар илгари нашр этилган В.Абдуллаевнинг "Ўзбек адабиёти" дарслигида ҳам мунозарани масал деб аташ ҳолати учрайди. Муҳаммадниёз Нишотийнинг "Ҳусн ва Дил" достони таҳлилининг "Достондаги масаллар" деб номланган қисмида муаллиф: "Нишотийнинг "Ҳусну Дил" достонида "Шаҳбоз ва Булбул", "Гул ва Даф", "Най ва Шамшод", "Косаи Чин ва Наргис", "Бинафша ва Чанг" каби масаллар ҳам келтирилган бўлиб, улар достоннинг узвий қисмини ташкил этади", деб ёзади [1;192]. Зикр этилган асарлар катта ҳажмли бўлиб, улар икки аллегорик образнинг савол-жавоби асосига қурилган. Айни шу хусусият мунозара жанри учун белгиловчи бўлиб, ундаги мажозий образлар иштироки эса мунозара учун белгиловчи хусусият бўлолмайди. Шунга кўра, буларни масал эмас, балки мунозаралардир.

Масал ва мунозаранинг асосий фарқли хусусиятларидан бири шундаки, масал қисқа ҳажмда, кўпинча шеърий шаклдаги панд-насиҳатга йўғрилган ривоядир [13]. Демак, масал муайян сюжетга асосланади. Масалнинг асосида воқеа туради ва сўнгида "қиссадан ҳисса", "алқисса..." каби ибратли хулоса бўлмоғи шарт ҳисобланади. Масалнинг қисқа шаклда ва воқеабанд бўлиши яна бир манбада қуйидагича изоҳланади: "Кўпроқ шеърий шаклдаги, мажозий характердаги қисқа ҳикояча бўлиб, унинг масал-эпиграмма, масал-диалог, масал-эртак, масал-новелла, масал-ҳикоя, масал-памфлет, масал-повесть, масал-драма каби турлари бор" [11;40].

Нишотий достонидаги мунозаралар О.Носиров ва бошқаларнинг ҳаммуалифлигидаги "Ўзбек классик шеърияти жанрлари" китобида ҳам масал деб аталган. Нишотий асаридаги парчалар айрим хусусиятлари билан мунозара жанридаги асарларга ўхшаб кетиши таъкидланади. Қўлланманинг 144-саҳифасида фақат "Созлар ва гуллар" қисми мунозара жанри сирасида кўрсатилган [10; 144].

Нишотий достони таркибида келган мазкур парчалар мунозара жанрига мансублигининг яна бир белгиси улардаги аллегорик образларнинг ўзларига таъриф бериб мақташларидир. Масалан, "Шаҳбоз ва Булбул"да Булбул хушовозлиги ва ҳусни билан Шаҳбозга мақтаниб, унинг "баджамол" ва "бадмақол"лигини танқид қилади. Шаҳбоз эса "иззат тиласанг, бекордан-бекорга вайсама, юз иш қилганингда, бирини айт, худбинларнинг иқболи паст бўлади", деб жавоб беради. Бу ўринда Нишотий манманликка берилган одамларни Булбул образи орқали кўрсатади. Мунозара масалга нисбатан каттароқ ҳажмда бўлиб, аллегорик образларнинг савол-жавоби асосий ўрин тутади.

Мунозара мустақил асар бўлишдан ташқари бирор асар таркибида ҳам келиши мумкинлигини Нишотийнинг ушбу достони орқали ҳам билиш мумкин. Мазкур асарни нашрга тайёрлаган ва сўзбоши ёзган адабиётшунос Холид Расул бу парчаларнинг мунозара эканини тўғри қайд этади. Жумладан, "Умуман достондаги масаллар, созлар, Нахл, Коса ва Гуллар мунозарасида ўтмишдаги кишиларнинг аллегорик образи гавдаланади", деб изоҳлайди [8;7].

Адабиётшунос Р.Орзибековнинг "Ўзбек адабиёти тарихи" қўлланмасида эса юқорида келтирилган Нишотийнинг "Ҳусн ва Дил" достонидаги мунозаралар масал-мунозара деб аталган: "Нишотий ўз асарининг тўй базмлари қисмида бир неча масал-мунозаралар ҳам келтиради. Шахбоз билан Булбул, Най билан Шамшод, Косаи Чин билан Наргис, Гул билан Даф, Бинафша билан Чанг ўрталарида давом этган баҳсу мунозараларда камтарлик, кибрланмаслик, хуш фазилатлилик масалалари талқин қилинади. Қайд этиш лозимки, Нишотий "Ҳусн ва Дил" таркибида келтирилган масал-мунозаралардан ташқари "Қушлар мунозараси" ("Мунозараи мурғон") номида алоҳида бир асар ҳам яратган"[10; 109-110].

азкур масала ушбу мақола муаллифининг "Мунозара – адабий жанр сифатида" мақоласида ҳам ёритилган [2:7-9]. Мунозарада асар бошида бошланган баҳс икки аллегорик образлардан бири ғолиб, иккинчиси мағлуб бўлиши билан якунланиши шарт ҳисобланади. Масал эса "қиссадан ҳисса" чиқариш билан тугалланади.

Шуни айтиш керакки, мунозарада иштирок этувчи персонажлар мажозий-рамзий маънога эга бўлади. Ана шу образлар муайян мавзуда баҳслашадилар, тортишадилар. Муаллиф мажозий образлар воситасида ўзининг ижтимоий-сиёсий, ахлоқий ва фалсафий қарашларини акс эттиради.

Мунозара ҳам, масал ҳам халқаро жанр ҳисобланади. Мунозаранинг намуналари дунё адабиётида, хусусан, француз, форс, озарбайжон ва туркий халқлар адабиётларида учрайди.

Мунозаранинг жанр хусусиятларини қуйидагича белгилаш мумкин:

1. Турли нарсаларнинг баҳслашуви, тортишуви тарзида ёзилади. 2. Асар иштирокчилари рамзий образлардан иборат бўлади; 3. Ҳам назмий, ҳам насрий шаклда бўлади. 4. Баъзан катта ҳажмли асарлар таркибида келиши ҳам мумкин. 5. Баҳслашувчи томонлар бир-бирига ўзининг устунлигини уқтиради. 6. Баҳс улардан бирининг ғолиблиги, иккинчисининг мағлубияти билан якунланади. 7. Асар муаллифнинг ибратли хулосаси билан тугалланади.

Мунозара ҳозирги кунда тарихий категорияга ўтган адабий жанрлардан бири ҳисобланади, яъни мумтоз адабиёт жанрларидан бири сифатида тараққий этган ва бугунги кунда қўлланмайди.

Тадқиқотчи С.Хўжақулов “Мунозаранинг жанрий хусусиятлари” (Фитратнинг “Мунозара” асари мисолида) номли мақоласида Фитрат асари(“Ҳиндистонда бир фаранги ила бухороли мударриснинг жадид мактаблари хусусинда қилған мунозараси”)ни мунозара жанрига мансуб деб исботлашга ҳаракат қилган. Лекин мақола муаллифи бир-бирига зид мулоҳазаларга йўл қўяди. У дастлаб мунозаранинг адабиёт тарихида тамсил (масал) шаклида яратилганини қайд этади. Сўнг эса негадир дабдурустдан “Мунозарани адабиётда ҳозиржавоб жанр ҳисоблаш, бизнингча нотўғри” деган мулоҳазани билдиради. Кейин эса Фитрат асарига тўхталиб: “Аслида мунозара жанри моҳиятан публицистика жанрига хос ва уни публицистик жанр, деб таърифлаш лозим. Шу жиҳатдан Фитратнинг “Мунозара” асари публицистик жанрлар сирасига киради”,-дейди [12:50]. Агар, С.Хўжақулов белгилаганидек, “Мунозара” публицистик асар бўлса, у ҳозиржавоб жанр ҳам бўлиши керак, чунки публицистик асарларнинг ҳозиржавоб бўлиши қонуний, қатъий ҳолдир.

Мумтоз адабиётдаги мунозарада образларнинг аллегорик бўлиши шарт ҳисобланади. Фитрат асарида эса образлар мажозий маънода эмас, ўз маъносида қўлланади. Асарда баҳсли масалалар хусусида сўз юритилганлиги учун Фитрат “Мунозара” деб номлаган. Лекин номланишнинг ўзи асар мунозара жанрига мансуб дейиш учун етарли эмас, бунинг учун у юқорида зикр этилган хусусиятларга эга бўлмоғи керак.

Юқорилардан кўринадики, масал ва мунозара ўртасида муштараклик бўлса-да, улар алоҳида жанрлардир. Демак, мажозий образларга асосланган масал билан мунозарани ўзаро фарқлаш лозим. Шунда жанр хусусиятларининг ўзига хослиги билан тафовут этувчи масал ҳамда мунозара каби жанрларнинг тараққиётини тўғри англаган ва белгилаган бўламиз.

АДАБИЁТЛАР:

1. Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1980.- Б.192
2. Абдуллаева Д. Мунозара адабий жанр сифатида //Филологиянинг долзарб муаммолари. “Ёшлар йили”га бағишланган республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Фарғона, 2008. – Б.7—9
3. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. МАТ. 20 ж. 13-ж. – Т: Фан, 2000. – Б.135
4. Баранов Х.К. Арабско-русский словарь.- М.: Русский язык., 1989. – С. 741.
5. Белинский В.Г. Полн. собр. соч. – М., 1955. т.8. – С. 576.
6. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Т.: Ўзбекистон, 1992.- Б.512
7. Исҳоқов Ф. Гулханийнинг “Зарбулмасал” асари. – Т.: Фан, 1976.- Б.35
8. Нишотий. Ҳусн ва Дил. – Т., 1967.- Б.7
9. Носиров О. ва бошқ. Ўзбек классик шеърияти жанрлари.-Т.:Ўқитувчи, 1979.- Б.47
10. Орзибеков Р. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б.109- 110
11. Саримсоқов Б., Хотамов Н. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати.- Т.: Ўқитувчи, 1979. – 40-б.
12. Хўжақулов С. Мунозаранинг жанрий хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2002. - № 3. – 50-б.
13. www. google. co. uz./ Басня.

ЎзФА Тил ва адабиёт институти,
2009 йил 21 декабрда қабул қилинган.
(Тақризчи: ф.ф.д. Д.Қуронов)